



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 3 сентябрь, шанба

№ 72 (11.771)

Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида тантанали нишонланди. Шу кунларда ҳар биримиз миллий мустақиллиқнинг қадр-қимматини, озод ҳаёт, ўз тақдирини ўзи яратиш имкониятининг нечоғлиқ ардоқли эканлигини теран ҳис қилмоқдамиз.

Мустақилликнинг

14 йиллиги

ЭРК ВА ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган 1991 йилнинг 1 сентябидан бундан мамлакатимизда янги тафаккурли навқирон авлод камол топти, десак асло янглишмаймиз. Улар ўз билимлари, ғайрат-шижоатлари ва ташаббусларини мустақил юртининг раёқли топтиришга, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркем, турмушимизни маънавий тўқис ва маъмур қилишга бағишламоқдалар. Шу ўтган 14 йил мобайнида шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўриниши таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замондошларимизнинг дунёқараши истиқлол маф-

куриси асосида янгиланди. Бугун биз ўз озод юртимизнинг тўла ҳуқуқли соҳиблари сифатида меҳнат қилиб, турмушимизни барқарор этиб, келажакка дадил қадам ташламоқдамиз. Шу боис мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги ҳар биримиз учун чин маънода эзгу ва қадри, азиз ва мўътабар байрамга айланди.

Ўқоричирчиқ тумани меҳнаткашлари байрамини Янгибозор боғида шодонлик билан нишонлашди. Ширкат ва фермер хўжалиқлари, катта-кичик корхоналар бу ерда ўз махсусотлари кўргазмасини ташкил этишди. Минг одамга жой ҳозирлаб, ош тортиди. Таниқли санъаткорлар, ўзбек, қозок, корейс миллий хаваскорлик дасталарининг иштирокчилари

ижро этган куй-қўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди. Янгибозорда ўтган байрам тантаналарида вилоят ҳокими Қозим Тўлаганов иштирок этди. Олмалик шаҳридаги «Металлург» ўйингоҳида ҳам байрам шўх-шодонлик билан нишонланди. Шаҳар маданият саройларининг бадиий хаваскорлик гуруҳлари, таниқли хонандалар Лола Йўлдошева, Шоҳжаҳон Жўраев, «Ситора» ва «2+2» гуруҳлари ижро этган қўшиқлар байрам иштирокчиларига алоҳида қувонч бағишладди. Металлурглр, кимёгарлар, автомобилчилар ва темирйўлчилар — Олмалик меҳнаткашларининг байрам тантаналари кечгача давом этди.

Байрам тантаналари Тошкент туманида алоҳида маъно, мазмун касб этди. Эрта тонгдан ҳокимлик биноси олдида турли соҳа вакиллари тупланишди. Меҳнат фак-

рилари, маҳаллаларнинг фаоллари бир-бирларини қутлуғ айём билан муборакбод этишди. Байрам тантаналарида қўшни Саригўч тумани ҳокимлигининг вакиллари иштирок этишди, дўстлик, биродарлик, қардошлиқ туйғулари ифода қилинди. Истеъдодли санъаткор Даврон Аҳмедов, маҳаллий хаваскор хонандалар, коллеж ва мактабларнинг ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Байрам иштирокчилари учун «Шоҳрух» тўйхонасида хайрият дастурхони ёзилди.

Мустақиллик йиллари ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўзига хос из қолдирмоқда. Байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда алоҳида фаоллик кўрсатаётган ватандошларимизни муқофотлаш тўғрисидаги Фармонлари эълон қилинди. Байрам тантаналарининг иштирокчилари «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғираси вилоят бўлимининг бошлиғи Зарифа Эшмирзаева, Бўстонлик туманидаги «ЧорбоғГЭСКурилиш» бошқармаси бошлигининг ўринбосари Соттибой Рискимов, фермер Владимир Муратов, «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятининг кран машинисти Сурманисо Рустамова сингари унлаб нишондорларни давлатимизнинг олий мукофотлари билан қутлашди.

— Оқдй бир механизаторнинг камтарона меҳнатлари Ватанимизнинг олий мукофоти билан тақдирланганлиги мустақиллик ҳар бир киши учун қанчалик олий нўмат эканлигини тасдиқлайди, — дейди «Ангрен»

(Давоми 2-бетда).

Янги ўқув йили бошланди



ёди этиш, мавжудларини тубдан қайта таъмирлаш, таълим сифати ва мазмунини ошириш, мактабларни энг замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантиришдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Дастурга кўра, фақат шу йилнинг ўзида юртимизда эллиқдан зиёд янги мактаб қад ростлади, мингга яқин таълим даргоҳи капитал реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Замонавий ўқув жиҳозлари ва ускуналар, техник воситалар билан таъминланди.

Ишга энг малакали ва тажрибали ўқитувчиларнинг танлов асосида жалб этилиши мактабимиздаги таълим сифати ва мазмунни кўркем бино ва замонавий ўқув жиҳозларига мос бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимизда мактаб оstonасига биринчи марта қадам қўйган 523 мингга яқин биринчи синф ўқувчиси учун янги ўқув йилининг бошланиши эса қўш тантананага айланди. Анъанага кўра, уларнинг барчасига мамлакатимиз Президенти совғалари — ўқув қуроллари, дарслиқлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА, Ўза мухбири.

СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчиси Дилбар Ўмрзоқова ҳар бир ўқувчига ўз фарзандидек муносабатда бўлади.

Даврон АХМАД олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ Топширилди

2 сентябрь кун юртимиздаги барча таълим муассасаларида янги — 2005-2006 ўқув йили бошланди. Бу кун нафақат билимга чанқоқ, орзулари улкан ёшларимиз, балки фарзанди камолотини кўриш истагидаги ота-оналар, меҳридарё устозлар, гамхўр мурабийлар учун ҳам ўзига хос байрамга айланди.

Ҳар бир мамлакат тараққиётида таълим-тарбия катта ўрин тутаети. Шу боис Президентимиз Исло

Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўнали-

ши этиб белгилангани бежиз эмас. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самарасини бермоқда.

Ушбу ҳужжатнинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастурида янги таълим масканлари бун-

«Пахта — 2005»

КОРХОНА МАВСУМГА ШАЙ

«Бекобод пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида олиб борилаётган мавсумолди тайёргарлик ишлари ниярсига етказилмоқда.

4 та пахта қабул қилиш пункти қайта таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар, механизмлар билан жиҳозланди. Корхона тасарруфидида 6 та юк ташувчи транспорт воситалари шай қилиб қўйилди. Бундан ташқари, шаҳардаги «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти билан келишувга биноан 10 та «Қолжа» русулки автомобилга ҳам ҳисилни ташлашга жалб қилинади.

Тош-тарозилар давлат андозаси талабларига тўла мосланди. Хўжалиқларга тарқатиш мақсадида 20 минг донга этак тайёрлаб қўйилди. Тумандаги иккита ширкат ва 244 та фермер хўжалиқлари билан шартнома тузилган. Мавсумда улардан 13 минг 900 тоннага яқин пахта қабул қилиш режалаштирилган. Икки юз эллик беш нафар

ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада ишни кечяю кундуз олиб бориш учун ошхона, чойхона, ювиниш ва дам олиш хоналари тайёрлаб қўйилди, тиббиёт хонаси жиҳозланди, ёнгина қарши хавфсизлик чоралари қўрилди.

— Бу йил 4,5 минг тоннага яқин пахта толаси тайёрлаймиз, — дейди жамият бошқаруви раиси Комилжон Қараулов. — Махсусотни 100 фоиз экспорт қиламиз. Демак, тола юқори сифатли бўлишини таъминлашимиз зарур. Бунинг учун барча имкониятларини ишга солямиз.

Ашурали боймуродов.

СУҲБАТ БАҲОНАСИДА

Мудосафага кўмаклашувчи «Ватанларвар» ташкилоти Янгийўл шаҳар кенгаши курсантлари иштирокида «Мустақиллик — олий нўмат» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат ҳарабини давол курсантлардан Зоҳиджон Хасанов, Акмал Хўжаев, Отабек Бекпўлатов, Хусниддин Очилов, Акбар Сафаров ёшлар ҳаракати томонидан рағбатлантирилиб, эсдалик совғалари топширилди.

М. Бадриддинов.

ГОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Мустақилликнинг 14 йиллиги ва «Сихат-саломатлик йили»га бағишланган «Хамшира — 2005» кўрик-танлови вилоятда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури ижроси борасида олиб борилаётган зарур тадбирлардан бири бўлди. Танловда фаол иштирок этиб, ўзларининг касбий билимлари, истеъдод ва ижодий қобилиятларини намойиш эта олган Янгийўл шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Севара Эшонқуллова (1-ўрин) телевизиор, Бўка тумани шошилич тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Камола Норбўтаева (2-ўрин) аудиоманитофон, Пскент туман шошилич тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Юлдуз Нибозова (3-ўрин) гилам билан мукофотландилар.

Фарида КОМИЛОВА.

БИР ЯРИМ БАРАВАР ОРТАДИ

Олмаликдаги «Қалмоққўр» руда қонида бир кеча кундузда 70 минг тоннага яқин мис рудаси қазиб олинаётди. 2007 йилгача мўлжалланган дастурга кўра, қон-руда қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияси янгилашиб, юқори унумли ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу ишларга жами 613 миллион АҚШ доллари сарфланмоқда. Натижалари йиллик руда қазиб олиш рекорди даража — 37 миллион тоннага етади.

С. Жўраев.

Янги ўқув йили — Янги қошонада

Президентимизнинг шу йил 21 июлда қабул қилинган «Маннон Уйғур номидидаги Тошкент давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан пойтахтимиздаги Мироншоҳ кўчасида жойлашган бинолар мажмуи институти жамоасига берилди.

Қайта таъмирдан сўнг замонавий қиёфа касб этган маъзур таълим даргоҳида янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда маданият ва санъат арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, кенгажматчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизжўраев, маъзур институт ректори У.Қорабоев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, талаба Г.Назарова ва бошқалар мамлакатимизда миллий санъатини ривожлантириш раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир қатнашчилари, профессор-ўқитувчилар, талабалар барча имконият ва қулайликларга эга маъзур даргоҳ ёшларга санъат соҳасидаги билимини пухта ва чуқур эгаллашда муҳим омили бўлишини таъкидладилар.

У.А.

Изчил ислохотлар йўлида

КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Бизнинг «Садгрупп» ички иқтисодий ишлаб чиқариш компаниямизнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик махсусотларини харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланади. 1993 йилда ташкил топган компаниямизнинг оёққа туришида вилоят кўчмас мулк биржаси, туман ҳокимлигининг йиқиндан берган амалий ёрдами асқотди.

Дастлаб томат ишлаб чиқариш билан чекланган эдик. Вақт ўтиши билан махсусотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилдик. Ишлаб чиқаришнинг биринчи йилларида очилган мини цехимиз ўрнини Бўка туманининг Ойхўжа Йўлдошев номи, Янгийўл туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиқларида ва Чиноз туманидаги Яллама қишлоғида очилган йирик, кўркем цехлар эгалладик.

Кейинги йилларда янги, замонавий техника ва технологияларни жорий этиши, иш жараёнига янгица руҳ беришга ҳаракат қилдик. Ҳозир чехларимизда Венгриядан олиб келинган томат қадоқловчи техника ишлаб турибди. Бундан ташқари Россия, Польша заводларида ишланган жами 20 га яқин бугмашиналар, мевалар данагини чақиб, тозалаш берадиган мўъжаз аппаратлар ўрнатдик.

13 йилдан бери фаолият юритиб келмоқ-

дамиз. Табиийки, назорат ва текширув органлари билан келишмовчиликлар кўлаб муаммоларни келтириб чиқарди. Шунга яраша фаолиятимиз сузлашган дамлар ҳам бўлган. Энди эса вазиет ўзгарди, ҳуқуқат микёсида соҳага бўлган эътибор янада кўчайтирилди. Президентимизнинг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонунли талаб этганлик учун жавобгарлиқни қучайтириш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилингани айни мўддао бўлди. Булар ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. — Назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини қамайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали биз каби тадбиркорларга кенг имкониятлар эшиги очилмоқда.

Собитжон ЗОКИРОВ, Янгийўл туманидаги «Садгрупп» ички иқтисодий ишлаб чиқариш компаниясининг раҳбари.

Истиқлол берган имкониятлар

Сайёра МўМИНОВА: «ЎЗБЕК АЁЛИ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСАМ ДЕЙМАН»

Пскентлик тадбиркор Сайёра Мўминова билан учрашиш мақсадида бораётим, автобусда бир йўловчидан у кишининг манзилларини сўрадик. — Сайёра опани мактаб ёзмоқчимсиз? — саволимизга савол билан жавоб берди йўловчи. — Сиз нима деб ўйлайсиз? Ҳар ҳолда ҳамшаҳрингиз у киши. Мақтайликми? — Албатта-да. Ахир, Сайёра Мўминова бизнинг фахримиз-ку?!

Оқдй йўловчининг соддалик билан айтган бу бегараз, самимий сўзлари руҳимизни кўтариб юборди: «Демак, бекорга келмаётган эканми...» — Одатда эл орасида таниқли, машҳур кишилар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар бўлиши табиий. Ҳар ҳолда куз билан кўрган эшитгандан афзалроқ эканлиги айни ҳақиқат. Юзиқўздан оқдйлик, камтаринлик қадри сезилиб турган Сайёра опа мақсадиимизни билгач, ортиқча мулозаматга ўрин қолдирмай, тадбиркорлик фаолияти ҳақида сўзлаб кетди.

— Тадбиркор даражасига етунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўлини ўйлаб кўрсам, шу кунларга етиб келганимга

минг бора шўкр қиламан. Бу мустақиллигимиз шарофатида деб биламан. Уша узоқ йиллар, мактабни битирар чоғида, онагинам раҳматлик: «Сени ўқишга юборолмайман, сенсиз укаларингни эплашим қийин бўлади», — дея ўқиниб ҳасрат қилганларидан: «Онажон, хафа бўлмаг, мен доимо ёнингиздаман», — деган эдим. Ишни оқдй сотувчиликдан бошлаганман. Хуллас, йиғирма беш йил савдо соҳасида ишлаган бўлсам, шундан кейинги ўн тўрт йил тақдиримда бутунлай ўзгача из қолдиряпти. Мустақиллик сенга нима берди? — деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай: «Озодлик, ҳурлик берди, бахту омад,

имконият, ўз ерига ўзи эгаллик қилиш ҳуқуқини берди», — деган бўлар эдим. Келинг, яхшиси, суҳбатимизни сизни қизиктиратган тикувчилик, гиламчилик цехларимизда давом эттирсак... — **Айни мўддао бўлар эди!** — Сизга айтсам, дастлаб тикувчилик цехини ташкил қилган эдим. Чунки, эндигина мактабни битириб, ўқишга киролмай қолган ёки, умуман, ишсиз ўтирган хотин-қизларнинг аҳволини жуда яхши тушунганлигимдан бўлса керак, шу ишга бел боғладим. Менга бу ишиндан нима наф бор, деганлар ҳам бўлди.

(Давоми 2-бетда).

«Бахт уйи»: ҚУША ҚАРИНГ, СЕРФАРЗАНД, СЕРДАВЛАТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон халқининг энг улуг, энг азиз байрами — юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги билан боғлиқ шодиёна тадбирлар Чирчиқ шаҳрида бу йил ҳар қачонгидан ҳам тантанавор тус олди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, 2005 йилда бир қатор ижтимоий-маданий объектлар қурилиб, шаҳар қиёфаси янада мафтункор чирой кашф этди.



Ҳам замонавий, ҳам миллий меъморчилик анъаналари оқилона уйғунлашган, давр талабига мос кўркам ва мукаммал жиҳозланган ушбу иншоот ва биноларни фойдаланишга топшириш тантаналари ҳам мустақиллик байрами олдидан ўзига хос кичик байрам тусини олди десак муболага бўлмайдими. Хусусан, Чирчиқ шаҳар фуқаролик ҳолати дололатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимининг янги «Бахт уйи» биносини фойдаланишга топширишга бағишлаб уюштирилган тантанали маросим катта шодиёнага айланди. Тадбирда

Мустақиллик иншооти ҚУРИЛИШ ЖАДАЛ

Олмалик шаҳрининг кичик туманлари, қолаверса, шаҳарнинг куйи қисми ичимлик сув билан тўла таъминланади.

Йил бошида гап чикди: «Хайрият, шаҳримизнинг катталари шаҳарнинг куйи қисмидаги ичимлик суви муаммосини ҳал қилишга кўл урибди...» Аввалига кишилар бу гапга бир ишониб, бир ишонмадилар. Тўғри-да, ахир 1981 йили, сўнг 1985 йили ҳукумат қарорларига киритилган 30 та насос станциясининг қурилиши «эртақка» айланиб, кун тартибидан тушиб қолаверганди.

Мустақилликнинг 14-йиллида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қўллаб-қувватланиши боис, «Сувоқсав» раҳбариятининг ташаббуси, ОКМК ва «Аммофос» очик акциядорлик жамиятининг, қолаверса, шаҳардаги қатор корхона ва ташкилотларнинг моддий ва маънавий кўмаги, бир гап билан айтганда, ҳашар йўли билан яқунлини арафасида турипти.

«Кимёхимо», «Электромонтаж», «Сантехсервис», «Пулатқурилмакераника», «Санавтомонтаж», «Олмаликқурилиш», «Олмаликшаҳаргаз», «Иссиқлик манбаи», «Гишт заводи», «Олмаликкерамика», 45-АТС, «Сахий» ХФ, «АИП-МЧЖ катта ёрдам берди. ОКМК ОАЖ томонидан 148 миллион сўм, «Аммофос» ОАЖ 84 миллион сўм, «Трансосиё» 30 миллион, «Турон» 30 миллион, «Надежда дубль» 15 миллион, «Камол» ХФ 20 миллион сўмдан маблағ ажратди. Насос станциясининг 18 ойга режалаштирилган қурилиш тўрт ойда якунига етмоқда. Ишнинг бу қадар юқори унум билан бо-ришининг асосий сабаби юрт ривожини, эл фаровонлигини йўлидаги фидойилиқдир. Қолаверса, шаҳар ҳокимлигининг олмаликчиларга муносив истиклол совғаси ҳам-дир.

Ойсара ДАДАЕВА.

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИНИ ҚУТЛАШДИ

Халқ-демократик партияси Тошкент тумани кенгаши «Наврўз» жамғармаси билан ҳамкорликда 1991 йили 1 сентябрь кuni туғилган 14 нафар ўсмирни туғилган кунлари билан табриклаб, эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, Юнусобод, Ҳасанбой ва Гулистон қишлоқ кенгашлари ҳудудда яшовчи кам таъминланган оиаларнинг 50 нафар фарзандига ҳам кийимлар тақдим этди.

Баҳодир ВАҲОБОВ.



Лекин ўз сўзимда қатъий туриб олдим. Меҳнат биржаси билан шартнома тузиб, уйда ўтирган ўн икки нафар қизни уй ой ўқитдик. Уларнинг кўли хунарилик, ўзлари ишлаш бўлганини кўриб, ота-оналари қанча қувонди, ҳатто, совчилари кўпайиб, ҳаммаси турмушга узатилди. Бунинг ўзи катта бахт эмасми? Чевар қизларимиз тиккан кўйлақлар ўз хариддорларига эга бўлди. Лекин кўнгил нимагадир тўлмасди. Яна қандайдир бир янгилик яратсам, одамларга фойдаси тегса, деб ўйлардим.

— Кейин гилам тўқиш цехини очдингиз, шундайми? — Ҳа-я, айтганча, тадбиркорлик — бу бирор махсулотни бир жойдан иккинчи жойга олиб бериб, қимматига сотиш эмас. Ҳақиқий тадбиркорлик ана шу махсулотни ўз қўли билан ишлаб чиқаришда, деган фикр доим ҳавлимда айланиб юрарди. «Дадаси, — дедим бир кун Ортиқбой акамга. — Пскентимизда нима кўп, жун кўп. Ҳатто, ахлатга ҳам ташлаб юборишарди. Ундан кўра шу жунларни сотиб олиб, қайта ишласак, ундан гилам тўқисак-чи?»

(Давоми. Боши 1-бетда).



ҳамкорликда нотариал идоралар ва ФХДЁ бўлимлари биноларини таъмирлаш ҳамда замонавий моддий-техник жиҳозлар билан таъминлашга 57 миллион сўм, шу йилнинг ўтган саккизи ойи давомида эса 40 миллион сўм сарфланди. Хусусан, Чирчиқдаги янги «Бахт уйи» биноси учун бюджетдан 30 миллион сўм, ҳомийлар томонидан 170 минг сўм ажратилган бўлса, вилоят адлия бошқармаси 8 миллион 370 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлади.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг «Бахт уйи» ўз фаолиятини бошлаб юборди. Шу кун катта зал, компьютер ҳамда келин-куёвлар хоналаридан иборат муҳташам бинода беш жуфт келин-куёвлар никоҳдан ўтдилар.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТЎЙ ТЎЙГА УЛАНДИ

Чирчиқ шаҳридаги Бобур номли маҳаллада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ташаббуси билан кам таъминланган оиаларнинг олти нафар фарзандларига суннат тўйлари ўтказилди. Унда маҳалла аҳлига дастурхон безатилиб, тўй болалари учун шаҳар ҳокимлиги ва ёшлар ҳаракатининг совғалари топширилди. Шунингдек, ҳаракат қошида ташкил этилган «Грация» ракс тўғараги, шаҳар маданият уйи хушбўй хонандалари концерт дастурини намойиш эттиди.

Саид ҲАСАНОВ.

ЭРК ВА ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

ширкат ҳўжалигининг «Шўҳрат» медали билан тақдирланган механизатори Абдуҳошим Каримов. — Шу байрам кунлари мен кўтловларга жавоб бериб, далаларда яна ҳам баракали меҳнат қилишга, ҳосилдорликни кўтаришга ҳисса қўшишга аҳд қилмоқдаман. Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» сифатида нишонланмоқда. Бу йил фақат вилоятимизнинг ўзида соғлиқни сақлаш ишига 30,5 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги, қишлоқ врачлик пунктлари деярли 200 тага етганлиги мустақиллик инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қандай имкониятлар очаётганлигини тасдиқлади. Мамлакат эл соғлиғи йўлида тиним билмай ишлаётган фидойи шифокорлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

меҳнатини юксак баҳоламоқда. Мустақилликнинг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Тошкент туманидан қишлоқ врачлик пунктининг шифокори Собир Алимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Бекобод тумани болалар шифохонасининг ҳамшираси Турсунот Абдуллаева, вилоят «Кичик-той» болалар уйининг шифокори Тоҳира Исмоилова «Шўҳрат» медали билан мукофотланди. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида янги-янги шифо ва дам олиш масканлари бунёд этилаётганлиги, уларни энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун миллион-миллион сўм маблағ сарфланаётганлиги юртимизда инсон саломатлигини кўзлаб, кенг қўламли дастурлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу боис шаҳар ва туманларда ўтган байрам тантаналарида «Сихат-саломатлик йили» дастури бажарилишининг дастлабки яқунлари ҳақида ҳам сўз борди. Катта кичик ўз касбига сазовор қилган қишлоқ шифокорларга янги-янги муваффақиятлар тилади. Оҳангарон шаҳри ва тумани меҳнатқашлари Мустақиллик байрами тантаналарини биргаликда нишонлашди. Унда шаҳар ва туман бадиий ҳаваскорлари, халқ фольклор дасталари ўз санъатларини намойиш қилдилар. Улкашунослар ва тарихчилар Оҳангарон заминининг бой тарихи, маънавий мероси ҳақида сўз юритишди. Тантаналарда сўзга чиққан нотиклар «Шодмалик ота» зийратгоҳини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқиди. Бу тақдир тантана иштирокчилари, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси вакиллари томо-

нидан қизгин қўллаб-қувватланди. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Чиноз, Куйичирчиқ, Бўка, Оққўрғон ва бошқа туманларнинг меҳнатқашлари ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигини меҳнатда катта ютуқлар билан кўтиб олиб, тантанали нишонладилар. Пскент, Бўстонлик, Зангиота, Янгийўл туманларида ҳам кўпмигки-шилик байрам тантаналари бўлиб ўтди. Шаҳар ва қишлоқларда шоду хуррамлик, байрам тантаналари, оммавий концертлар кечгача давом этди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигини катта кичик хурсандчилик билан нишонлади.

Сайёра РИХСИЕВА, Жўрабек МУРОДОВ, Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари. Мардлар кўриқлайди, Ватани!

«... ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН!»

1 сентябрь тонги вилоятимизнинг ўнлаб йигитлари учун икки бора унутилмас бўлиб қолди.

Танлов, саралов, тест синовлари ва турли даражадаги суҳбатлашувлардан муваффақиятли ўтиб, Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юртига қабул қилинган курсантлар Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги тантанали нишонланган кўнрау бир кунда ҳарбий қасам қабул қилишди. Бўлғуси танкичи офицерларни билим юртининг бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмадов табриклади.

Ҳарбий қасам қабул қилинган курсантлар марказий минбар ёнидан саф-саф бўлиб ўтишди. Кейин кўп сонли кузатувчилар, ота-оналар, собик синфдошлар, ёрдўстлар давраларида хушхол суҳбатлар давом этди. — Уғлимиз Шерзод билим юртига қабул қилинганидан ниҳоятда хурсандимиз, — дейишди Оҳангарон шаҳридан келишган Лидия ва Нурмат Бекматовлар. — У Ватан ҳимоячиси касбини танлагани билан фахрланамиз. Чирчиқдаги 9-умумтаълим

мактабининг бир гуруҳ битирувчилари дўстлари Гафур Жўраевни кузатгани келишибди. Улар тенгдошларини олий

танк кўмондон-муҳандислик билим юртига қабул қилинганлиги билан қўтлади. Ёш курсантларнинг ҳарбий қасам қабул қилиш маросими тантанали ўтди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.



Сайёра МЎМИНОВА: «ЎЗБЕК АЁЛИ НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСАМ ДЕЙМАН»

улар. Мана шу сиз кўриб турган дастурхон олдига гилам тўқиб ўтирган қизларни кўриб, қувончим ичимга сикмасди. — Лекин сиз бу билан ҳам қаноатланмадингиз... — Нимасини айтасиз? Тадбиркорлик ҳам қизикиб қолган одам учун бир «қасаллик»ка ўхшаркан. Уйлаб қарасам, аҳолига ун тортадиган тегирмон, айникса, зарур экан. Югуриб-елиб, сифатли ун чиқарадиган дастурхон топдик, ўрнатдик. Яна уч-тўрт киши иш билан банд бўлди. Бундан ташқари Пскентда маккажўхори кўп экилади, демак, маккани қайта ишлаш ускунаси ҳам бўлса, яна ҳам яхши бўларди-да. Дони егиллик, сўтаси, барги ва поясчи чорвабон озуқа. Шундай қилиб, маккажўхори тегирмони ҳам ўрнатилди.

— Макарон цехини ҳам очгансиз, деб эшитган эдик. — Тўғри, 1997 йилдан буён туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси сифатида кўпгина тадбиркорлар билан учрашишга тўғри келарди. Кўпинча чет эллик тадбиркорлар билан бўладиган учрашувларда янги-янги фикрлар тугиларди. Кейинги пайтда чет эл махсулотлари билан бозорларимиз тўлиб кетган. Айникса, макароннинг турфа хиллари мавжуд. Шунда ҳам унга бўлган талаб камаймаган. Уйлаб қарасам, шу махсулотни ўзимизнинг Пскентда ҳам ишлаб чиқарсак бўлади-ку. — Бу цехларда иш юритиш, айникса, маблағ томонини ҳисобга олганда, бироз мураккаб бўлса керак? — Жуда ўринли савол бердингиз. Бу боррадаги мушкулотларимизни ҳал этишда банк кредити кўп келди. Шу пайтгача ўз маблағимиз ҳисобига иш юритиб келган бўлсак, ҳозирга келиб, «Тад-

биркорбанк»дан 20 миллион сўм кредит олдик. Ана шу маблағ ҳисобига цехларимизни қайта таъмирлаш, яна кўшимча корхоналар қуриш имкониятига эга бўлдик. — Тошкент-Бекобод йўлининг Пскент йўли билан кесилган жойида ташландиқ ер бор эди. Ҳокимликнинг қарори билан ана шу ер корхона қуриш учун ажратиб берилди. Ҳозир, мана, кўриб турганингиздек, йўловчиларга, ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида автомобиль таъмирлаш, машина овиш, ёнилик қуйиш ва ихчамгина дам олиш, тамадди қилиш учун чойхона қуришни бошлаб юбордик. Албатта, атрофи гулзор, кичкина боғи бўлса, яна яхши. — Бир йигитга қирқ хунаро оз, деганларидек, аёл бошиниз билан декорчилик, богдорчиликдан ҳам хабарингиз борга ўхшайди? — Бу йил баҳорда туманимиздаги 13,5 гектар бог «Кимшод» савдосига кўйилди. Хўжайин билан маслаҳатлашиб кўрдим. «Дадаси, отабоболаримиздан қолган шаллардан бири, йўқ демак, шу ишга ҳам бир ўриниб кўрайлик, ахир ерни боксанг, ер сени боқадиди деган гап бор. Қолаверса, яхшидан бог қолади, дейишарди». — Нима ҳам дердим, ахир, сен нима қилмоқчи бўлсанг, олдидан асослаб кўрсан. Иккониятнинг бўлса, майли, мен қарши эмасман, — дедилар. Шундай қилиб, мана шу боғни олдик. Кўриб турибсиз, баҳордан буён анча мунча иш қилиб қўйдик. Уч минг тул терак, юз тул ёнғок, яна ерэнгюк эдик. 2300 тул ўрик ва шартлини яхшилаб парваришладик, мана мевасини аҳолига сотиш ниятидамыз. Бундан ташқари, ора-орала-

рига мош, нўхат, помидор, бўлгор гармдориси, маккажўхори экамиз. — Бу экинларнинг ҳаммаси кейинчалик ернинг қучисизлиги қолишига олиб келмайдими? — Йўқ, нега энди. Бунинг учун қайси экин туридан кейин нимани экса, ер яна кучли бўлишини ҳисобга олган ҳолда алмашлаб экишга аҳамият бериш керак, холос. Айникса, шарбат суви берилса, ҳосил мўл бўлиши тайин. Мана бу киши бизнинг уста дехқонимиз, ер билан тиллашадиган ахойиб инсон Баҳрулло Баратов бўладилар. Бизда маккаларнинг ҳосили қандай-ю, қўшни далада қандай? Уларда яхши бўлса, нима учун? Эринмай кузатамиз, парваришини кучайтирамыз. — Сир бўлмаса, айтгинчи, келажакда балки шу ерларда консерва заводи ёки тахта тилиш комбинати қуриш ниятингиз ҳам бордир? — Ҳа, дилимдагини топдингиз, жуда сезгир экансиз. — Туман «Тадбиркор аёл» уюшмасига раҳбарлик, кенг қўламли тадбиркорлик фаолияти, оила ташвишлари, ҳуқуқшунос, талабчан эр — буларнинг ҳаммаси бир кишига оғирлик қилмайдими? — Биласизми, бу инсоннинг ўзига, қолаверса, атрофдаги муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Юқорида айтиб ўтганимдек, мактабни тугатиб оқиб қилишга мажбур бўлганман. Лекин Ортиқбой акамдек ўқимлиши, тушушган умр йўлдошим, меҳр-оқибатли қайнона-қайногани тақдир менга насиб этди. Шунинг учун тўрт фарзандни катта қилишда ҳам доим уларга суяндим. Мана, катта қизим Бухорода, кўвим нуфузли ташкилотлардан бирида раҳ-

бар, ўғлим Кудратжон дадасининг касбини танлади. Шахло қизим билан кенжамиз «Шўҳрат» эса менинг касбини қизикқан. Хусусий корхонаимизнинг номи ҳам шундан — «Шўҳрат» деб атаганмиз. — Сизга ўхшаб тадбиркорликни орзу қилган аёлларга, аввало, «Тадбиркор аёл» уюшмаси раҳбари, қолаверса, тажрибали тадбиркор сифатида нима деган бўлардингиз? — Интилганга толе ёр, деган бўлардим. Ҳозирги даврда, айникса, мустақиллик берган имкониятлардан фойдалана олсалар деганман. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ташкил этилган «Борак-кредит» уюшмасининг ёрдами катта бўлапти. Ортиқча оворагарчиликларсиз, истаган миқдордаги кредит пулини олишлари мумкин. Албатта, бу пуллари фақат тадбиркорлик ишларига яратиш керак. Хуллас, меҳнат қилган элда азим. Мана, эл орасида бугун юзми ёрғ. Ҳатто, чет эл сафарлариди. Мисрда, Ҳиндистонда бўлганларимда ҳам Ватаним, она юрт соғинчи, унинг ёрқин истиқболни ҳақиқиди фехр ва гурур тўғриси мени ҳеч қачон тарк этмайд.

2006 йилдан бошлаб Япониянинг «LAKI» фирмаси билан шартнома асосида иш бошлаймиз. — Серқубш Ўзбекистонимизнинг ҳар қарч ери олтинга тенг. Унинг махсулотларига ноз-неъматларига чөл элларда талабгорлар кўп. Шундай юртининг фарзанди эканлигимдан бошим осмонда. Доймо «Ўзбек аёли» деган номга муносив бўлсам дейман. Сайёра РИХСИЕВА. Қибрай туманидаги генерал Мурод Шералиев номли маҳалла аҳли Истиклол шодиёналарини кўш хурсандчилик билан нишонладилар. Байрам кuni ҳудуддаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. — Эски мактаб биносиди имкониятлар чекланганлиги боис, дарслар икки, уч смедана олиб бориларди,— дейди маҳалла оқсоқоли Хилолиддин Мухаммадзизов.— Бағрига 480 ўқувчини сиғдира оладиган янги, замонавий ўқув муассасасининг қуриб битказилиши эса маҳалламиз ёшларига чинакам байрам тўғриси бўлди. Айтиш жоизки, мазкур иншоотнинг фойдаланишга топширилиши маҳалладаги барқарор меҳр-оқибат, хайру саховат каби инсоний фазилатларнинг ёрқин намунаси бўлди. Муассаса қисқа фурсат ичида, аҳоли кўмагида асосан ҳашар йўли билан бунёд этилди. Маҳаллий тадбиркорлар ва соҳаватпеша инсонлар фарзандлар камоли учун ўз ёрдамларини аямасдилар. Ўз навбатиди, ташаббусни туман ҳокимлиги ва қатор корхона ва ташкилотлар қўллаб-қувватладилар. Кеча таълим масканида илк кўнғирок янгради. Ўқувчилар юксак гамжўрлик ва эътибордан руҳлиниб, дастлабки ўқув машғулотларини бошлаб юбордилар. Ўз муҳбиримиз.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси барча каттаю-кичик ватандошларни, вилоят аҳлини улуг байрам —

Мустақиллик айёми билан табриклайди.

Сиҳат-саломатлик йилидаги хайрли ҳаракатларимиз инсон бахт-саодатига хизмат қилсин! Юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин!



Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 11 columns representing days of the week (Dushanba 5, Seshanba 6, Chorshanba 7, Pajshanba 8, Juma 9, Shanba 10, Yakshanba 11) and rows for different TV channels (Ўзбекистон 1TV, Ёшлар, Тошкент, Спорт). Each cell contains a list of programs with their start times.

Бельгияда ўтказилган "Инзадафест" фестивалида республикамизнинг "Анор" фольклор жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.

"Анор" — фестивалъ кашфиёти

"Анор" Бельгия фестивалининг том маънодаги кашфиётига айланди. Бельгия Халқ ижодиёти халқроқ ташкилоти (IOV) вице-президенти Этьен Ванкейрбилк "Анор"га шундай баҳо берди.

Бу йил "Инзадафест" фольклор фестивали Бельгиянинг Бернем шаҳрида 17-мартта ўтказилди. Унда Шотландия, Россия ва Мексиканинг музыка ва фольклор жамоалари иштирок этди. Ўзбекистон ушбу анжуманда илк бор қатнашди.

Томошабинлар, музика танқидчилари ва Бернем халқроқ анжуманини ёритган маҳаллий оммавий ахборот воситалари ўзбек артистларининг чиқишларига юқори баҳо бердилар. Хусусан, Бельгиянинг "Брюкс Банделсбад", "Лейт Ньюсбад" ва "Хет Лаатсе Нюс" каби нуфузли газеталарида "Анор" ансамбли иштирокчилари ижросида янграган куй ва кўшиқлар ҳеч муболагасиз бельгиялик санъат ихлосмандларининг қўлларидан жой олганлиги тўғрисидаги хабар-мақолалар чоп этилди.

Шу ўринда "Хет Лаатсе Нюс" газетасида босилган мақолада куйидаги сатрларни келтириш ўринли бўлади: "Бернем анжуманида турли фольклор жамоалари ўз санъатларини намойиш этдилар. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг фольклори ўзига хос жиҳатлариغا эга. Шундай бўлса-да бир концерт гуруҳи ўзининг ажойиб рақслари, миллий музыка асбобларида мухориона ижро этилган гўзал шарқона охангалари билан бошқаларидан ажралиб турди. Бу ўзбекистоннинг "Анор" гуруҳи эди".

Ж. МУТАЛОВ, "Жаҳон" АА муҳбири. Брюссель.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Маълумки, мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили доирасида фуқаролар соғлигини қайта тиклаш, сифатли ҳордиқ чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, касалхона ва қишлоқ врачлик пунктларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Қунчиқар мамлакатининг «ОМЕТА» компанияси томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент вилояти ногиронлар жамияти эҳтиёж-

Кейинги пайтда сал инжирок бўлиб қолдим. Тик этган товус ёқмайди. Икки одамнинг қулишиб турганини кўрсам гашим келади. Илгари унча-муна ишни ҳазил-хузул билан битириб кетардим. Энди арзимаган нарсага ҳажим чиқади, асабийлашаман.

Ҳар кун ишдан келаман-у, диванга таппа ташлайман. Бошим лўқиллаб оғрийдим. Дорига ҳужум қиламан. Седальгин, раунатин, пенталгин...

Охири бўлмади. Судралиб докторга бордим. У энди ўттиздан ошган, паст бўлиб, хўппа семиз йилгит экан.

Гапирганда негадир одамнинг кўзига қарамаликка интилади.

— Қаерда хизмат қилди-лар? — четга боқиб сўради у.

— Мақтабда ишлайман, — дедим, — завучман.

— У-у, олижаноб касб эгаси экансиз, — кулисиради доктор.

— Сан бу касбнинг тузунини тотиб кўрганмисан, гапирверасан-да, дедим ичимда.

Доктор мени тикка қилиб қўйиб, резинка болғачаси билан тиззамга бир урди. Сесканиб тушдим. Иккинчи тиззамга урганда чўқкалаб қолдим.

— Анетга ўтиринг, — деди у оппоқ кушеткани кўрсатиб. Утирдим. Доктор энгагини кўтарди. Кейин кўрсаткич бармоғини ҳавога ўқталиб, нари-бери сурди:

— Бу ёққа қаранг! Энди бу ёққа! Яна бу ёққа!

У думбоқина панжалари билан бошимни сиқиб кўрди. Соч ивитаётган сартарошдай қалламни обдон гижимлади.

Кейин полга бир оёқлаб тургазиб қўйди. Гоҳ чап оёқда, гоҳ ўнг оёқда туриб, аранг ўнчага санамдим.

Ниҳоят, докторим болғачасини тап эткизиб столга ташлади-ю, бурнакча бориб қўл ювди. Жойига келиб ўтирди. Бошимни чайқаёб ух тортиди. Биринчи дафъа кўзимга қараб деди:

— Танобингиз сал бўшашибди, домла...

Индамдим. «Танобим бўшаганини ўзим ҳам биламан, сиз даводан келинг, укам!» дедим ичимда. Доктор манда бир кулиб ишимни, уқумини, иштахамни сўради.

Шошилмай, битта-битта айтиб бердим. У кирпик қоқмай тинглади. Сўнг туриб, қўлларини кўксига чалиштирди-ю, нари-бери юра бошлади.

— Гапирганга қараганда ишда қўл асабийлашар экансиз, — деди лекция ўқитган профессордай салмоқда, — бу эса сизга мутлақо мумкин эмас. Бир ўқувчингиз Ал-Хо-

размийнинг кимлигини билмагани учун икки соат бўғилиб-сиз. Сизга аввало нима зарур? Ал-Ҳоразмийми, саломатликми?

— Гапиргиз қизик бўлди-ю, дўхтир, — дедим фигоним чиқиб, — бир киши жон керакми, жонини, деган экан...

— Уша киши тўғри айтибди. Жон бўлмаса жонини бошингизга урасизми?

— Узининг кимлигини, отабобосининг кимлигини билмайдиган жонни нима қиламан? — деб бақирдим, — пишириб ейманми?!

Энди докторнинг жаҳли кўзиди.

— Менга қаранг, ўртоқ бемор, — деди рўпарамга келиб, — бу ерга нимага келгансиз ўзи? Мен билан гап талашганими ё даволанганими?

— Кечирасиз, даволангани, — дедим сал паст тушиб. Докторнинг оқиш ранги тагин қизарди.

— Унда гапга қўлоқ солинг, — у яна думбиллаб хона кеза кетди, — сизга маслаҳатим шунки, бўлар-бўлмабга куйиб-пашаверманг. Юракни кенгроқ қилинг. Кенгага — кенг дунё, торгага — тор дунё, деб қўйибдилар. Тушунаман, ҳозир бола ўқитиш қийин бўлиб кетган.

Акселерация ва ҳожазо... Аммо сиз бепарвороқ бўлишга урининг. Зигирдек камчилик кўрсангиз лов этиб кетадиган одатингиз бор экан. Бу одатни ташлаш. Бир ўзингиз кучангнингиз билан узоққа боролмайсиз. Ҳаётни мукаммал қиламан, деб сиздан олдин ҳам не-не олимлар бош қотирган...

Чиндай, гап қўшдим: — Демак, ўртамеъна одам бўлиб... кумурсқадай судралиб юравершини керак экан-да?

Докторнинг қизил ранги бирдан оқарди. У гурс-гурс юриб тевмага келди-ю, «Бедаво экансиз-ку?» дегандек мена оқайиб тиклиди.

— Уэр, — деб ерга боқдим. Доктор останага ваъз айтиб борди:

— Шоирлар айтгандай, ҳаёлингизни доим гулга бурқаб юринг. Гулроқ очик ҳавода уланг. Миянгни толиқтирадиган даражада қаттиқ ишланг. Тоғларга тез-тез сайр қилиб туринг. Ҳафза буладиган ерларга борманг. Қулғили ки-тоблардан ўқинг. Ётишдан олдин оғир оқват ёманг. Сут-қаткичи кўпроқ ичинг. Ибн Сино қаттиқ ичган одам юзга кирди, дейди...

Шикини зичлаб ёлдим. «Китобни роса ўқибсан, — дедим ичимда, — менинг ўшимга ет, кейин сузлашаман сен билан».

Эртдан бошлаб бепарвор-

роқ бўлишга қасд қилдим. Саҳар турдим кайфиятни сошлаб мактабга жўнадим. Йўлда таниш-билишлар учраса, хуш-хандон кўришаман, ярашса-ярашмаса ҳазил қиламан. Улар менинг тажонглигимга ўрганиб қолмаганими, ажабланиб боқибди.

Енгил оёқ билан мактабга ҳам келдим. Зинадан кўтарилиб ўқитувчилар хонасига бу-

ШОГИРД ҲАМ



ЎЗИМИЗДАН ЭКАН

Гулга сув қуядиган банка ёнимда эди, носкашлар тарафига сурдим.

Ғала-ғовур бошланди: — Биз кўлтурнийимиз, — деди бир носкашимиз, — уйда нос, мактабда папироз чекамиз.

— Агар шалоқоқдай бўлса, Йигитлигини махсулот, — деди иккинчи носкаш, — у хар отандан кафтини тўлдириб олади.

— Носинг маржасини аниқлаш керак, — деди учинчиси, — мабодо Холмат-98 бўлса, Тилоббердиннинг оғзидан сурди.

... Ҳаёл суриб ўтирибман. Бир вақт Билалов деган ёшгина тарих ўқитувчимиз кўнгироқдан кейин қўйиблаб кириб келди.

Афти-ангорига қараб бўлмайдим. Соқол икки энлик, ёқа кир, шими гижим. Оёғида орқаси майишган ботинка. Индамасам, ҳе йўқ, бе йўқ, синф журналини қўлтиқиб жўнамочки.

— Кечирасиз, тўхтанг, — дедим. Билалов останада тўхтади. — Қаерда ишлашингизни бир оғиз айтиб кетсангиз, ўртоқ Билалов?

У аввалига «Мудир масҳара қилаяптими?» дегандай хайрон бўлди, сўнг ҳазил аралаш жа-воб берди:

— Бемалол, домла. Янги-обод туманидаги 5-мактабда педагогман...

— Негадир педагоглигингизга ишонмапман, — дедим мен ҳам кулисираб, — рафторингизга қараб завқим келаяпти. Сингга муаллим бўлиб қираяптисми ё ўрта арлардан кўргазмали кулол бўлибми?

— Уришмасиз, домла, — деди у бир қадам олға босиб, — сизгир подадан қолиб кетган экан, шунки қўшдим югуравердим...

— Бўпти, сиз уйга бориб ўқитувчига ўшаб келинг, дарсингизни мен ўтиб тураман, — деб унга жаовоб бериб юбордим.

Билаловнинг дарсига кирдим. Йўқлама қилдим. Баъзи ўқувчилардан кечаги дарсни сўрадим. Доскага Туробов деган бола чиқди. У бўлбўл бўлиб кетди:

— Чингизхоннинг икки юз мингга яқин яхши қуролланган аскарлари бор эди. Лексин Амир Темур кўркмай Чингизхон билан уришмоқчи бўлди...

— Шошманг, Туробов, — дедим, — Темур қачон ўтган? — Амир Темур... ҳам, Темур Улуғбекдан олдин ўтган, муаллим...

— Чингизхон-чи? — Чингизхон... Амир Темурни ёмон кўрган...

Жаҳлим чиқди. Туробовга шартта «икки» қўйиб бердим. У жойига бориб ўтирди-ю, қундалигини очиб қўриб, қўл кўтарди:

— Муаллим, менга «икки» қўйибсиз-ку? — Ҳм, «бир» қўйиш керакмиди? — Бу баҳонингизни катталар кўрса, сизга гап тегмайдики? Болаларни яхши ўқитмасиз, деб? — Гўп этиб миямга қон урди. «Бу ақлни сенга қайси аҳмоқ ўргатди?» деб бақирмоқчи бўлдим у хали пенсияга узоқлигини ўйлаб, тилимни тишла-дим.

Танаффусда бир иш билан ҳовлига чиқдим. Қарасам, кираверишда беш-олти бола кичик туршибди. Ҳалиги Билалов ўртоқларини оғзига қартиб, нимадир дейди. У мени кўрдию «чўнтагидан тилла ранг сизгират олиб, узатди:

— Марҳамат, муаллим, адаллар Америкадан олиб келибдилар. Тортими яхши экан. Узини тўлғамдим. «Йўқол, қўзимдан, ярамас!» деб бақирдим. Уёғи нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, Саъдулла СИЁЕВ.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан Алишер Навоий номли марказий кутубхонада «Кўнгил кўнгилдан сув ичар» мавзусида хайрия тадбири ташкил этилди.

Унга тумандаги чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 17 та оила тақлиф этилди.

Тадбир ниҳоятинда «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қили-

ши керак», деган ақидага амал қилган ҳолда «Камолот»-чилар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 34 нафар болажонга мактаб дарсликлари, ўқув қуроллари ва бошқа анжомлар совға қилишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Шундан кейин

ЁҚИЛГИСИЗ 250 КИЛОМЕТР

ЯПОНИЯда электр кубвати билан юрувчи Mitsubishi Lancer Evolution спорт автомобилининг тажриба нусхаси тақдироти бўлиб ўтди.

Электр билан ҳаракатланувчи мослама ёрдамида юрувчи ушбу машина 300 от кучига ҳамда тўлиқ узатмали нобъ тизимга эга. Бир гал «қувватланган» автомобиль беватўхот 250 километр йўл бошбаш мумкин. Ёқилгининг ношонанавий турлари бўйича изланишлар давом этмоқда.

ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

ЖАНУБИЙ ярим шардаги энг катта SALT телескоп фазодаги илк объектларни суратга олди.

Обсерватория расман ноябрда очилади.

Мазкур оптик асбоб жаҳондаги энг йирик — ун бир метрли кўзгуга эга ҳамда ёруғликнинг қучисиз манбаларини «кўриш» қобилияти бўйича фақат Аризонадаги бинокюлар телескопдан ортада қолади. Инсониятнинг фазони тадқиқ этиш борасидаги имкониятлари чиндан ҳам тобора кенгайиб бораётганига шубҳа йўқ.

АСЛИДА КАМАЙГАН

МОСКВАда сил хасталиги билан касалланганликда шубҳа қилинаётган болалар сони бу йил 1,6 марта қўлайди.

«Роспотребнадзор» мутахассислари мазкур кўрсаткич ортганини хавфли хасталик олдини олиш соҳасидаги ишлар, хусусан, мактаб ўқувчилари ўртасида Манту реакцияси натижаларини тадқиқ этиш сифати ошганида деб изоҳламоқдалар. Зеро, катта ёшдагилар орасида бу хил хасталаниш 16,6 фоизга камайган.

САЪДУЛЛА СИЁЕВ.

Футбол

ТАРКИБДА ЎЗГАРИШЛАР БОР

ёки Бахрайн терма жамоасига қарши кимлар тўп сураси?

Маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг плей-оф баҳсида Бахрайн термасига қарши тўп сурди.

Биринчи учрашув бўлган Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионда бўлиб ўтса, 7 сентябрь кун бахрайнлик чармтўпчилар ҳамюртларимизни ўз майдонларида қабул қиладилар.

Учрашувга тайёр-гарлик жараёнида юртимиз шарофини ҳимоя қилувчи футболчиларнинг рўйхати аниқланди. Бош мураббий Боб Хуотон жамоа таркибини бироз ўзгартирган ҳолда 23 нафар футболчининг исми-шарифини эълон қилди.

Бу гагли учрашувда сарик картонча билан жазоланган Николай Шишов ўрнига Россия биринчи дивизиони вакили «Урал» жамоаси аъзоси Владимир Радкевич майдонга тушади. Шунингдек, Қозоғистон чемпионати пешкадами «Тобол» жамоаси тўпурари Улуғбек Бақоев ўтган йилда жароҳат олган Александр Гейнрих ўрнига тўп сураниш қўлда тутилган. Россиянинг «Ростов» клуби аъзо-

си Андрей Аюпанц бу сафар Боб Хуотон назаридан четда қолди.

Демак, бугун Бахрайнга қарши куйидаги футболчилар баҳс юритадилар. Дарвозабонлар: Евгений Сафонов

«Шинник» (Россия), Игнатий Нестеров «Пахтакор», Юрий Цой — «Локомотив» (Тошкент), хомоячилар — Асрор Алиқулов, Алексей Николаев, Владислав Киран, Илхомжон Сунонов — «Пахтакор», Камолдин Кенжаев — «Насаф», Андрей Фёдоров — «Рубин» (Россия), Николай Шишов — «Ростов» (Россия), Владимир Радкевич — «Урал» (Россия), ярим хомоячилар — Сервер Желаров — «Пахтакор», Виктор Карпенко — «Кайрат» (Қозғоғистон), Тимур Копалдзе — «Пахтакор», Миржалол Қосимов — «Машъал», Марат Бикмаев — «Крылья Советов» (Россия), Ренат Байрамов, Элдор Мағдиев — «Пахтакор», Леонид Кошелев — «Шинник» (Россия), ҳужумчилар — Максим Шацких — «Динамо» (Украина), Анвар Солиев — «Пахтакор», Улуғбек Бақоев — «Тобол» (Қозғоғистон), Зафар Холмуродов — «Насаф».

Фойда келтирса, ўша идорага фойда келтиргандир, лекин кизи Фазилатхонга бундан тангамари наф бўлгани йўқ. Аксинча, иш бошлаганидан уч-тўрт ҳафта ўтмай, бир алфозда кириб келди.

Нима гаплагини мени сўрашди-айтмади. Охири, кечаси алламаҳалда катта бунвисига «ёрилибди». Нимамиш — бошланиги бўлиб қилармиш, ушнга совға-салом олиш учун саккиз мингдан солиқ тушганмиш.

Ғаданг чидади, сас чикармай саккизта мингталикни қизига тўтқазди.

Энди енгил нафас олган эди, у кун ўтиб, янги бир гап чиқди: бўлим мудир

Ёз тугаяптики, Асом ғаданг тинчмайди. Кенжаси бош бошқармага компьютер оператори бўлиб ишга ўтди-ю, оромини йўқотди.

Юривди ўша институтда диссертацияси устида ишлаб. Нима жин урди-ю, у дейишди, бо дейишди, осмондаги ойни, етти қават ер тағидаги лаълу олтинларни ваъда қилиб, ўша бош бошқармага ўтказиб олишди-қўйишди.

Ҳаммасига ўша компьютер дастурлари кўригидида биринчи ўринни олгани сабаб. Уни қобилият суласига кўтарган ўша дастури Малайзиями, Индонезиями — аллақайси бир мамлакат билан бошланган муносабатларда асқотиб, катта фойда ҳам келтирганмиш.

Фойда келтирса, ўша идорага фойда келтиргандир, лекин кизи Фазилатхонга бундан тангамари наф бўлгани йўқ. Аксинча, иш бошлаганидан уч-тўрт ҳафта ўтмай, бир алфозда кириб келди.

Нима гаплагини мени сўрашди-айтмади. Охири, кечаси алламаҳалда катта бунвисига «ёрилибди». Нимамиш — бошланиги бўлиб қилармиш, ушнга совға-салом олиш учун саккиз мингдан солиқ тушганмиш.

Ғаданг чидади, сас чикармай саккизта мингталикни қизига тўтқазди.

Энди енгил нафас олган эди, у кун ўтиб, янги бир гап чиқди: бўлим мудир

ридим. Қарасам, шундоқина эшик тағига биров ботмондай қилиб тутуриб кетибди. Таққа тўхтадим. Илгариги даврим бўлса, «Бу қайси нодоннинг иши?» деб бақириб берардим. Бу сафар ўзини қўлга олдим. Ховлига чиқиб фарош хотини чақириб келдим.

— Хуршида опа, мановини... олпашанг, — дедим иложи борича тиржайишга ҳаракат қилдим. Фарош хотин афтимага чўчибоқ қаради-ю, носкашини қойиб-қойиб, остонани сурди-сурди олди.

Узун-қисқа бўлиб ўқитувчи қилиб келишди. Уларнинг саломига ўлганимнинг кундан қулиб алик олаяман. Бирок ичимни тиб кемирапти. Ҳамоно ўша бепарвосат носкашини ўйламан. Орамизда беш киши нос чекади, қоровул тоға билан олти киши. Қоровул атай ҳужрасидан келиб, бу ерга тузириб кетмади. Демак, бу ўзиниқилиларнинг қилиги. Бирам тилим қичаяптики... Қани энди кеча докторга бор-

Шанба фельетони

линг эмас, Кўнгиртотга, қандайдир филиалда маркетинг дастурини сошлашга жўна-тишди.

— Бошлиқнинг жияни кетаяпти Германияга, — деди у йилгамоқдан бери бўлиб, — Дастур меники, маърузани мен тайёрладим. Энди бўлса сафарга бир сўтак кетаяпти.

— Хой-хуй, йилгит киши ҳақида бундай сўзлар қилма! — Айвондан бунининг овозлари эшитилди. — Яхши бўлмайдими-я...

Орадан олти ой ўтди. Академияга ўқишга юборилган ваъдаси билан Фазилатхонга беш йиллик ҳисоботи компьютерга кириштириш мажбуриятини юкланди. Тошириқни бажаргунча она сuti оғзидан келди: гоҳ у бўлим чала маълумот берса, гоҳ бу бошқарма рақамларни чалқаштириб юборади.

— Уф-ф, — деди орадан икки ой ўтган Фазилатхон. — Тугатдим-а...

У кийиниб чиқди-да, гулзорда алланимлар қилаётган отасига яқинлашди: — Чехияга кетаяман, ота-жон, сиз жанг қилган Прагага.

— Орзуинг сароб бўлиб чиқади, кўпам қувонма, — деди Асом ғаданг дабурустандан. — Бошлиқ ўринбосарининг қизи борми?

— Ҳа, яқинда университетни битириб келди бошқарма-мига, — Фазилатхон бўшашиб қолди.

— Прагага ўша боради... — Дастур калитини билмайдими-ку?..

— Э, қизинам... Дарҳақиқат, Прагага, бир ойлик малака оширишга бошлиқ ўринбосарининг қизини жўнатишди. Яна Фазилатхон аро йўлда қолди.

Ниҳоят, кеча Фазилатхон дарвозадан гул-гул очилиб кириб келди.

— Суянчи беринг, ота-жон! — Ҳўш-ҳўш? — Индинга Цейлонга кетаяман! — Шошма-шошма, — таажжубланди Ғаданг, — ахир, вакилларимиз ҳозиргина аэропортдан учиб кетишди-ку, Цейлонга. Яна қанақа вақин?

Ўб-ҳаво

3 сентябрь кун Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Компания «PANALLY LTD.» в настоящее время выражает заинтересованность в отношении приобретения 10.840 простых именных безналичных акций ОАО «Ассортимент швейной промышленности и центра моды Республики Узбекистан», расположенного